

31-боб. Ораларида қариндошлик алоқасини узган кимса бор қавмга раҳмат тушмайди



14:30 / 15.03.2019 2938

63. Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, ораларида қариндошлик алоқасини узган кимса бор қавмга раҳмат тушмайди», дедилар».

Шарҳ: Бир одамнинг сабабидан бошқалар ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин экан.

Масалан, беш-олтита ака-ука, опа-сингиллардан фақат биттаси, нима баҳона ёки сабаб бўлишидан қатъи назар, силаи раҳмни узиб юрган бўлса, қолган барчалари ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин. Аслида силаи раҳмни узишга ҳеч қандай сабаб баҳона

бўла олмайди. Кимдир мерос талашиб ёки бошқа сабаб билан акасининг ёки укасининг, ёхуд опаси ва синглисининг ҳаққига хиёнат қилган бўлса, кўнглига оғир ботадиган гап айтган бўлса, ёки ҳатто жоҳиллик қилиб, яқинлари билан муштлашган бўлса ҳам, охиратда, Аллоҳ таолонинг ҳузурида жавобини ўзи беради. Агар у бу дунёда қилган гуноҳлари учун тавба қилиб, уларни такрорламаса, солиҳ амаллар қилиб, истиффор айтиб юрса ва энг асосийси, силаи раҳм қилишда давом этса, Аллоҳ таолонинг раҳматидан ҳар қанча умид қилса, ҳақли бўлади. Чунки Аллоҳ таолонинг Ўзи «Ким уни боғласа, боғлайман», деб силаи раҳм қилувчи бандасини Ўзига яқин олишини айтган ва унга кўп яхшиликлар ваъда қилган.

Аmmo юқорида айтилган сабаблар билан бўлса ҳам, силаи раҳмни узиб юрган кимса охиратда, Аллоҳ таолонинг ҳузурида жуда оғир аҳволга тушиб қолади. Чунки унинг биронта ҳам яхши амали қабул бўлмайди. Барча қилган яхшиликлари, ҳаттоки ҳаж ва умра қилган бўлса, уларнинг ҳам савоби бекор бўлади. Энг оғири, энг фожиалиси шуки, бундай банда Аллоҳ таолонинг раҳматидан буткул бенасиб бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло «Ким уни кесса, кесаман», деб аниқ қилиб айтиб қўйган. Лекин энг ёмон тарафи шундаки, бундай кимсанинг касри уриб, унинг барча яқинлари, қавми, қариндошлари ва маҳалладошлари ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин.

Шунинг учун ҳар бир жамоа, ҳар бир қавм ҳар доим бир-бирларидан хабардор бўлиб, ичимизда шунақалар пайдо бўлиб қолмасин, ҳаммамиз унинг сабабидан балога қолмайлик, деб ўзаро силаи раҳмга ундаб туришлари лозим.

Қариндошлик алоқаларини узмасликка маҳкам туриб, тарғиб қилиб, «Ундай қилма, бу иш яхши эмас, сен сабаб бўлиб биз ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қоламиз», деб насиҳат қилиш билан бирга, қаттиқ туриб талаб ҳам қилишлари лозим.

«Одоблар хазинаси» китобидан